

# ЯНГИ

# ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 238 (1299), 2024 йил 23 ноябрь, шанба



www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz\_official



yuz.uz\_news



yuz



## МАДАНИЯТ ВА САЊАТНИНГ ЖАМИЯТ МАДАНИЙ ҲАЁТИДАГИ АҲАМИЯТИ КУЧАЙТИРИЛАДИ

**Президент Шавкат Мирзиёев 22 ноябрь куни маданият ва санъат соҳасини ривожлантириш, хусусан, театрларнинг жамият маданий ҳаётидаги аҳамиятини ошириш ва улар фаолиятини янада қўллаб-қувватлашга оид тақлифлар тақдими билан танишди.**

Бу ҳақда ўтган йил 22 декабрда бўлган Республика Маънавият ва маърифат кенгаши йиғилишида айтилган эди. Мутасаддилар шу борада ишлаб чиқилган чора-тадбирлар тўғрисида ахборот берди.

Унга кўра, 2025-2030 йилларда театрларда “Миллий қаҳрамон” ва “Инсон қадри учун” мавзуларида 32 та туркум спектакллари яратиш тақлиф этилмоқда.

Саҳна асарларини яратишда ижодий ҳамкорлини қўллаб-қувватлаш, драматургия ва режиссёрликни янада ривожлантириш бўйича тақлифлар берилади. Хусусан, театр драматурглари учун Маҳмудхўжа Бехбудий, ёш режиссёрлар учун Баҳодир Йўлдошев номидаги мукофотларни таъсис этиш, “Ногоҳ” ижодий лойиҳасини йўлга қўйиш, миллий академик мусиқа санъати бўйича композиторлар танловини ўтказиш тақлиф этилди.

Маданият ва санъатнинг таълим билан узвий ҳамкорлигини мустаҳкамлаш, талабаларнинг театрларда амалий машғулотларини кенгайтириш, театр соҳасига оид илмий тадқиқот ишига буюртмалар бериш масалаларига алоҳида тўхталиб ўтилди.

Театр актёр ва режиссёрлари, театршунос ва санъатшуносларнинг маҳорат мактаблари ҳамда театр танқидчилари ва драматурглар клуби ташкил этилиб, уларнинг фаолияти қўллаб-қувватланади. Ҳар йили нодавлат театрларга ҳам давлат буюртмаси берилади.

Умумий ва олий таълим муассасаларида ҳаваскор театр жамоалари тузилиб, улар ўртасида танловлар ўтказилади. Ёшларни театрларга доимий таърифларни назарда тутуви “Театр — ибратхонадир” дастури амалга оширилади.

Келгуси йилдан Ўзбекистон театр жамоаларининг миллий рейтингини тузилади. Худудлардаги театр бинолари мукамал таъмирланиб, замонавий технологиялар асосида модернизация қилинади. Муқимий

номидаги Ўзбекистон давлат мусиқали театрига “академик” мақоми берилади.

Бундан ташқари, тақдиротда соҳа вакиллари рағбатлантириш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. 2025 йилдан бошлаб, маданият ва санъат, ахборот-кутубхона ва музейлар соҳасида фаолият олиб бораётган ходимлар иш ҳақи миқдорлари оширилиши белгиланади.

Моддий манфаатдорлик ходимнинг иш самарадорлиги (КР) кўрсаткичларига боғланади. Унда аҳолига маданий хизмат кўрсатиш, айниқса, олис худудларга гас-тротлар уюштириш, янги асарлар яратиш, иқтидорли ёш ижодкорларни излаб топиш каби мезонлар инобатга олинади.

Шунингдек, 2025 йилдан бошлаб Ўзбекистон Миллий симфоник оркестри ходимларининг иш ҳақлари оширилиб, муносиб моддий рағбатлантирилади. Оркестр жамоаси томонидан давлат буюртмаси асосида ҳар йили янги мусиқий асарлар яратилади, маҳоратли дирижёр, оркестр ижрочиларининг маҳорат мактаблари фаолияти йўлга қўйилади. Оркестр жамоасининг юртимиз худудлари ва хорижий гас-троль сафарлари, йирик корхона ва ташкилотлар ходимлари учун концерт намойишлари ташкил этилади.

Шу билан бир қаторда, давлатимиз раҳбари томонидан маданият ва санъат таълимини янги bosқичга кўтариш масалалари бўйича ҳам алоҳида топшириқлар берилади.

Хусусан, иқтидорли ёшларни барвақт аниқлаш, саралаш ва ўқитиш борасида яхлит тизим яратиш, шунингдек, умумий ўрта, мактабдан ташқари, касбий, олий таълим ташкилотлари ҳамда маданият ва санъат тизимидаги таълим муассасаларида ўқув режалари ва дастурларининг ўзаро мувофиқлигини таъминлаш вазифаси қўйилди.

ЎЗА

## СТРАТЕГИК ИСЛОҲОТЛАР КУН ТАРТИБИНИ ЯНГИ ТАШАББУСЛАР БИЛАН БОЙИТИШ МУҲИМЛИГИ ҚАЙД ЭТИЛДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 22 ноябрь куни иқтисодий тараққиёт, самарали бошқарув ва халқаро ҳамкорлик масалалари бўйича маслаҳатчи Сума Чакрабарти билан учрашув ўтказди.**

“Ўзбекистон — 2030” стратегиясини жорий йилги давлат дастури доирасида амалга оширишнинг ҳолати ҳамда келгуси йилда ислохотларни янада илгари суриши истиқболлари кўриб чиқилди.

Давлат бошқарувида кадрларни тайёрлаш ва уларнинг малакасини

ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Учрашувда Ўзбекистоннинг Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиш жараёни доирасидаги кейинги қадамлар муҳоама қилинди. Миллий қонунчиликни ЖСТ қондалари ва талаблари билан

уйғунлаштиришни жадаллаштириш, шунингдек, мамлакатнинг глобал рейтинглардаги ўрнини яхшилаш бўйича ишларни давом эттириш зарурлиги қайд этилди.

Президентимиз режалаштирилган барча лойиҳаларни ўз вақтида амалга ошириш, стратегик ислохотлар кун

тартибини янги ташаббуслар билан, айниқса, мамлакатимизда эълон қилинган Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва “яшил” иқтисодиёт йилидаги вазифаларни ҳисобга олиб янада бойитиш муҳимлигини таъкидлади.

ЎЗА

## ОМИЛКОРЛИК БИЛАН ИШ ЮРИТИБ ИМКОНИАТЛАР НАТИЖАГА АЙЛАНТИРИЛАДИ

**Президент Шавкат Мирзиёев 22 ноябрь куни Хоразм вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг қўшимча чора-тадбирлари юзасидан йиғилиш ўтказди.**

Сўнгги йилларда Хоразмда тадбиркорлик, агросаноат ва хизматлар изчил ривожланмоқда. Давлатимиз раҳбарининг йил бошидаги амалий ташрифи ҳамда унда белгиланган вазифалар бунга қўшимча суръат бағишлади.

Вилоятга келгуси йил 1,5 миллиард доллар инвестицияларни жалб этиш режалаштирилган. Бу қўллаб-қорғонолар, иш ўринлари ва турмуш фаровонлигига асос бўлади.

Масалан, Қўшқўпри туманида 175 гектар ер саноат зонасига қўшиб берилса, 1 миллиард долларлик лойиҳаларга йўл очилади. У ерда электротехника, кимё, машинасозлик ва фармацевтика йўналишида 2 мингта иш ўрни яратилади.

Шовот каналнинг ҳимоя зонаси 50 метрдан 25 метрга қисқартирилса, 30 миллион долларлик лойиҳаларни жойлаштириш мумкин бўлади. У ерда 1 триллион сўмлик хизматлар кўрсатилиб, 2,5 мингта янги иш ўрни очилади. Газовот ва Повлон каналлари атрофида ҳам 50 миллион долларлик лойиҳалар учун имконият бор.

ЎЗА

## ТАШАББУСКОРЛИК БИЛАН ИНВЕСТИЦИЯ ВА ТАДБИРКОРЛИК МУҲИТИ РИВОЖЛАНТИРИЛАДИ

**Президент Шавкат Мирзиёев 22 ноябрь куни Сурхондарё вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, инвестиция ва тадбиркорлик муҳитини янада яхшилаш чора-тадбирлари юзасидан йиғилиш ўтказди.**

Худудларни ривожлантиришга қаратилган тизимли ишлар натижасида бу воҳода ҳам кенг имкониятлар очилмоқда. Келгуси йилда Сурхондарёга 2 миллиард доллар инвестиция жалб этиш, 425 минг аҳолини банд қилиш ва экспортни 320 миллион долларга етказиш режа қилинган.

Масалан, “Айритом” халқаро савдо зонасида бир ойда ўртача 5 миллион долларлик маҳсулот сотилапти. Унинг ҳудуди 150 гектарга кенгайтирилса, яна 250 миллион долларлик лойиҳаларга жой бўлади.

Хитойлик инвесторлар Боботоғ ҳудудидаги мис ва кумуш конларига 2,7 миллиард доллар инвестиция киритиб, 2 минг иш ўрни яратиш тақлиф қилинапти. Бунинг натижасида йилга 600 миллион долларлик тайёр маҳсулот экспорт қилиш имконияти яратилади.

Шерободнинг Вандоб ва Чорбоғ худудлари эса вольфрам, кўмир, ош тузи, кварц қуми каби табиий ресурслар захирасига бой. Бу конларга 320 миллион доллар инвестиция жалб қилиб, 1,5 минг иш ўрни яратиш мўлжалланган. Бандихон туманидаги 50 гектар майдонда Термиз эркин иқтисодий зонасининг филиалини очиш режалаштирилган.

Қишлоқ хўжалигида ҳам ишга солинмаган имкониятлар кўп. Масалан, Бойсун ва Узун туманлари табиати қаврак етиштириш учун қулай. 18 минг гектар яйлов ва ўрмон ерлари шу мақсадда

аҳолига берилса, 4 минг одамнинг бандлиги таъминланади. Узун, Шўрчи ва Қумқўрғондаги худди шундай яйловларда қўйчилик ва қорамолчилик мажмуаси ташкил этиш мумкин.

Музработдаги 17 та коллекторда йиғиладиган сув қарийб 4 минг гектарда шולי етиштириш имконини беради. Бу орқали йилга 8,5 минг тонна гуруч олинади, 400 нафар одам доимий, яна 4,5 минг нафари мавсумий иш билан банд бўлади.

Қизирқ туманида 300 гектарда иссиқхона, Олтинсойда 1 минг гектарда узумзор ташкил этиб, бозорбоп маҳсулотлар етиштириш ҳам яхши иқтисодий самара беради.

Сангардак, Омонхона, Бойсун худудида туризм шароитларини яхшилаб, камида 1 миллион сайёҳни жалб қилиш бўйича дастур ишлаб чиқилади.

Йиғилишда Сурхондарё вилояти ҳокими шу каби имкониятларни ишга солиш бўйича режаларни тақдирот қилди.

Давлатимиз раҳбари тадбиркорлик ташаббусларини амалга ошириш, конлар негизда тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш, савдо ва хизматларни ривожлантириш бўйича кўрсатмалар берди. Деҳқончилик учун ажратилаётган ҳар бир майдон аҳоли бандлиги ва озиқ-овқат хавфсизлигига хизмат қилиши кераклиги таъкидланди.

ЎЗА

### Муносабат

## ДЕПУТАТНИНГ ҚАЛБИ, ВИЖДОНИ УЙҒОҚ БЎЛСА,

## ВАЗИРЛАР ҲАМ, ҲУКУМАТ ҲАМ, ПАРЛАМЕНТ ҲАМ УЙҒОҚ БЎЛАДИ...

**Бурилиш нуқталари**

Янги Ўзбекистон учун муҳим бурилиш нуқта хусусида гап кетса, шубҳасиз, Бош қонунимизнинг янги тахририда қабул қилинган санаси эътироф этилади ва бу ҳақиқат. Зотан, Учинчи Ренессанс сифатида кўрилатган шиддатли ислохотлар даврининг, энг аввало, ҳуқуқий пойдеворини мустаҳкамлашдан туриб, кутилган натижаларга даъво қилиш янглиш тўхтамади.

Парламент ва маҳаллий кенгашларга жорий йилнинг 27 октябрь куни бўлиб ўтган сайлов мутлақо янгилашган ҳуқуқий нормалар асосида ва шаклан миллий давлатчилигимиз учун янги таъриба асосида ташкил этилди. Яъни Қонунчилик палатаси сайлови мустақил Ўзбекистон тарихида илк бор мажоритар-пропорционал (аралаш) тизим асосида ўтказилди.

Давоми 3-бетда



### Камбағалликдан фаровонлик сари

## КЕЧА “АЁЛЛАР ДАФТАРИ”ДА ЭДИ, БУГУН ИШ БЕРУВЧИГА АЙЛАНДИ



Уч фарзанднинг онаси Зилола Нишоновна Олтиариқ туманидаги “Қўмиричи” маҳалла фуқаролар йиғинида яшайди. Ишсизлиги боис, “Аёллар дафтари”га киритилган Зилола тикувчиликдан яхшигина бохабар эди. Унга бу йўналишда яқка тартибда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш учун 33 миллион сўм имтиёзли кредит берилди. Дастлаб уй шароитида тикувчилик қилди. Шу тариқа юмушларини енгиллатиб, аста-секин қўшимча иш ўринлари яратди, даромадини кўпайтира бошлади.

Давоми 4-бетда

Президент қарорлари — ҳаётда ва назоратда

## ИЖРО ИНТИЗОМИ — САМАРАДОРЛИКНИНГ БОШ ОМИЛИ

Мана шундай ғоят таҳликали вазиятда биз фақат кучли ирода, бирлик ва ҳамжиҳатлик, қаттиқ меҳнат билангина юртимизда тинчлик ва тараққиётни таъминлашга эриша оламиз!

Шавкат МИРЗИЁЕВ,  
Ўзбекистон Республикаси  
Президенти

Жамият ҳаётининг барча баҳасида ислохотлар самарали амалга оширилиши ва кўзланган мақсадларга эришиш, биринчи навбатда, давлат ҳокимиятининг барча бўғинида мустаҳкам ижро интизомининг зарур даражада таъминланишига боғлиқ. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, “Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик — ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиб қолиши керак”.

Давоми 2-бетда





Президент қарорлари — ҳаётда ва назоратда

ИЖРО ИНТИЗОМИ — САМАРАДОРЛИКНИНГ БОШ ОМИЛИ

Акмал ЖУМАНАЗАРОВ, Вази́рлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги директори

Бошланиши 1-бетда

Раҳбар ўзи масъул бўлган соҳа ва тармоқда ишларнинг ҳақиқий аҳолини танқидий баҳолаи олиши, масъулият билан, жавобгарликни ҳис қилган ҳолда жамоасини бир йўлда бошқариш орқали вази́рлар бажарилишини таъминлай олиши мумкин. Ҳар бир топшириқ ижроси замирида эса халқимизнинг муаммолари масалалари ҳал бўлишини унутмаслиги зарур.

Давлат бошқаруви вази́рларнинг самарали тизимини яратиш жараёнида ҳар бир ходим ўз зиммасидаги вазифаларни виждонан, сифатли ва масъулият билан белгиланган муддатда бажариши муҳим аҳамият касб этади. Замонавий бошқарув услубларини амалиётга жорий этиш, назоратни амалга ошириш шакллари тақомиллаштириш, талабчанликни кучайтириш ва белгиланган вазифалар бажарилишини таъминлаш борасидаги ишлар давлат органлари раҳбарларининг шахсий жавобгарлигини ошириш бўйича қатъий чора-тадбирлар билан кучайтирилмоқда.

Шу ўринда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 10 февралдаги “Қонунчилик ҳужжатлари ижросини самарали ташкил этишда давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг шахсий жавобгарлигини кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори қабул қилиниши давлат идораларида ижро интизомини янада мустаҳкамлашга хизмат қилди.

Мазкур ҳужжатларда ижро интизомини мустаҳкамлаш, ягона ва узлуксиз технологик заنجирни ташкил қилиш бўйича республика ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарлари шахсан эътибор қаратиши лозим бўлган устувор вазифалар белгилаб берилган. Бу эса ўз

навбатда, топшириқларни ҳисобга олиш ва бажариш муддатларини назорат қилиб бориш имконини яратди.

Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги масъул бўлган ҳужжат ва топшириқлар таҳлил қилинганида 2024 йил январь-октябрь ойлари давомида “Ijro.gov.uz” тизимида назоратта олинган жами 277 та топшириқ ижроси ўз вақтида таъминланган.

Шунингдек, 2024 йил ноябрь-декабрь ойларида муддати келадиган топшириқлар жами 51 тани ташкил этиб, шундан 31 таси бажарилган, 20 тасининг ижросини жорий йил 15 декабрга қадар таъминлаш чоралари кўрилмоқда.

Мамлакатимизда ишлаб чиқариш ва экспорт салоҳиятини ошириш бўйича катта марралар белгиланган. Бу борада техник жиҳатдан тартибга солиш, стандартлаштириш ва метрология масалалари, шунингдек, Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиш учун кўрилатган савдо-ҳаракатлар муҳим аҳамият касб этади.

Шу боис, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 27 февралдаги “Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги давлат бошқарувини янада тақомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига асосан, соҳадаги давлат бошқаруви тақомиллаштирилиб, Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги Инвестициялар, саноат ва савдо вази́рлиги ҳузуридан Вази́рлар Маҳкамаси бўйсунувига ўтказилиб ҳамда янги вазифалар белгилаб берилди.

Мазкур вазифаларни тўлақонли амалга ошириш борасида агентлик томонидан қатор тизимли ишлар бажарилди. Хусусан, қонунчилик ҳужжатлари ижросини самарали ташкил этиш, “Ijro.gov.uz” тизимидаги топшириқларни бажариш мақсадида ҳар ҳафта душанба кун раҳбар ҳузурида, чоршанба ва жума кунлари раҳбар ўринбосарлари ҳузурида муҳокамалар ўтказиб келинмоқда.

Бундан ташқари, топшириқлар бажарилишини кунлик таъминлаш бўйича ойлик тақвим жадвалларни тасдиқлаш ҳамда топшириқлар бажарилишини таъминлаш юзасидан раҳбар ўринбосарларнинг “йўл хариталари” орқали амалга ошириш тизими йўлга қўйилган.

Шунингдек, барча даражадаги таркибий тузилмалар раҳбарлари ва ходимлар фаолияти самарадорлиги КР1 орқали баҳолаб боришмоқда. Шу билан бирга, Вази́рлар Маҳкамасида ҳар ҳафта график асосида вази́рлар ва идоралар раҳбарлари ўринбосарлари ва назорат бўлимлари бош-

техника, қурилиш, озиқ-овқат, қишлоқ хўжалиги, металлургия, кимё, экология каби соҳаларга доир 1,4 мингдан ортиқ халқаро стандарт олинди, уларнинг 1,1 мингтаси республикада қабул қилинди.

Стандартларни ҳаётга татбиқ этишда вази́рлик ва идоралар ҳузуридаги стандарт-

Жойларда маҳаллий ҳокимликлар билан ҳамкорликда ишлар ташкил қилиниб, республикадаги 900 дан зиёд корхонага менежмент тизимлари стандартлари жорий қилинишида амалий кўмак берилди.

Экспортёр корхоналарга алоҳида эътибор қаратган ҳолда Европа Иттифқининг мувофиқлик белгиси — CE маркировкасини расмийлаштириш мақсадида 30 та корхона билан амалий ишлар қилинди.

Метрология йўналишида миллий эталонлар базасини ривожлантириш мақсадида қиймати қарийб 18 миллиард сўм бўлган 3 та эталон харид қилишга доир ташкилий ишлар бажарилмоқда, 100 га яқин ўлчаш воситаси ва ёрдамчи ускуналар харид қилинди.

Халқаро қонулаштирувчи метрология ташкилоти (OIML) ҳужжатлари асосида 8 та миллий стандарт қабул қилинди.

Халқаро тарови ва ўлчовлар бюроси (BIPM) базасида илк бор республикамизнинг 5 та калибрлаш ва ўлчаш имконияти тўғрисидаги ёзувлари (COCOMET 909/Uz/24) олинди.

Ўзбекистон Республикаси ташаббуси билан илк бор июнловчи нурланмиш йўналишида “Uz” индикаторли янги қўшимча солиштириш лойиҳаси (COOMET 909/Uz/24) эълон қилинди.

Давлат назорати йўналишида тадбиркорлик субъектлари ишлаб чиқараётган маҳсулотларнинг бугунги кун талабига сифат жиҳатидан мос келишини назорат қилиш мақсадида агентликнинг Назорат инспекцияси томонидан жорий йил 9 ойида 361 та корхонада текшириш ўтказилди. Натижада умумий қиймати 13 миллиард сўмлик 1255 турдаги (87 фоз) номувофиқ маҳсулотлар, 87 миллиард сўмлик 158 та мувофиқлик сертификатисиз реализация қилинаётган маҳсулотлар, 7,1 мингтадан 3,4 мингта (49 фоз) қиёсланмаган ўлчаш воситаси аниқланди.

Президентимиз жорий йил февраль ва октябрь ойларида техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги ишлар ҳолати ва режалар билан танишди. Ташқи бозорга чиқиш учун самарали техник жиҳатдан тартибга солиш тизими шартлигини таъкидлаб, қўшимча вазифаларни белгилаб берди. Хусусан, бугун юртимиздаги 269 та лабораториядан аттиги 64 тасида ўтказилган синовлар халқаро

даражада тан олинади. Оқибатда тадбиркорлар ўз маҳсулотини экспортга чиқариш учун қўшимча синовлар ўтказишга мажбур бўлмоқда. Шу боис, халқаро тан олинмаган, электр техникаси, қурилиш материаллари, машинасозлик каби соҳаларда 10 та янги лаборатория ташкил қилиш вазифаси қўйилди.

Ўзбекистон Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиш йўлидан бормоқда. Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги қонунчиликни ушбу ташкилот талабларига мослаштириш муҳимлиги яна бир бора таъкидланди.

Бу йил 340 та миллий стандарт, 2025 йил якунигача яна 38 та регламент ишлаб чиқилади. 28 та техник қўмитани, лабораториялар фаолиятини рақамлаштириш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Бунинг учун “Техник тартибга солиш” электрон платформаси ишга туширилади.

Албатта, соҳада сифат ва самарани таъминлаш учун замонавий билим ва кўникмаларга эга, халқаро стандартлар асосида ишлайдиган мутахассслар керак. Шу боис, соҳада кадрлар тайёрлаш тизимини тақомиллаштириш бўйича топшириқ берилди.

Оқоридидаги топшириқлар ҳамда жорий йил 20 ноябрь кун давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Ўзбекистон Республикаси Бош вазири номидини кўриб чиқиш ва Вази́рлар Маҳкамасининг яқин ва узоқ истикболга мўлжалланган ҳаракатлар дастури муҳокамасига бағишланган мажлисида белгилаб берган устувор вазифаларни амалга ошириш учун шахсий масъулият, интизом ва назоратни бир неча қарра кучайтириш талаб этилади.

Бунинг замирида эса тадбиркорликни, иқтисодиёт тармоқларини ривожлантириш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифати ва рақобатбардорлигини ошириш, аҳолини сифатсиз маҳсулотлардан ҳимоя қилиш, халқимизнинг фаровонлигини янада ошириш каби улғу мақсадлар мужассам.

Бу борада Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги жамоаси барча куч ва имкониятини сафарбар этиш орқали ўз олдига қўйган вазифалар ижросини таъминлайди.

Тарадду

ТАЙЁРГАРЛИКНИ ҚИШ СИНОВДАН ЎТКАЗАДИ



“Қиш ғамини ёзда ейиш керак” деган мақол бугунги кунда ҳам долзарб. Қиш кунларида қийинчиликларга дуч келмаслик учун бу мавсумга ҳар томонлама пухта тайёргарлик қўриш, тараддудни олдинроқ бошлаш тақозо этилади.



Навоий вилоятида ҳам аҳоли ва ижтимоий-иқтисодий объектларни куз-қиш мавсумида энергия манбалари билан узлуксиз таъминлаш бўйича қатор чора-тадбирлар кўрилмоқда. Жорий йилда “Худудий электр тармоқлари” акциядорлик жамияти Навоий худудий филиали бу борада аҳолини қийнаб келатган муаммоларни бартараф этиш мақсадида паст кучланишли электр узатиш тармоқларини реконструкция ва модернизация қилиш бўйича манзилли ишларни амалга оширди. Жумладан, 287 километр янги электр тармоғи тортилди ва қўшимча 42 та трансформатор ўрнатилди. Ҳозир филиал томонидан 268 миң 168 та аҳоли хонадони, 18 миң 795 та тадбиркорлик субъекти ҳамда ижтимоий соҳа объектига электр энергияси белгиланган тартибда узлуксиз етказиб берилмоқда.

Вилоятнинг барча шаҳар ва туманларида куз-қиш мавсумига тизимли тайёргарлик кўрилди. Режалаштирилган ишлар якунига етказилди. Айни вақтда Кармана туманида юқори кучланишли 12 та подстанция, 413 та трансформатор ҳамда 1450 километр ҳаво электр узатиш тармоғи мавжуд бўлиб, аҳолини мунтазам электр энергияси билан таъминлаб келмоқда.

Жорий мавсумда электр тармоқларида юзага келадиган аварияларни бартараф этиш мақсадида туманда ҳам 8 та махсус бригада ташкил этилиб, керакли асбоб-ускуналар, алоқа воситалари ҳамда материаллар билан таъминланди. Айни вақтда электр энергияси таъминотини янада яхшилаш учун худудларда сўнгги соғлаш ва назоратта олиш ишлари амалга оширилмоқда.

Куз-қиш мавсуми бетафот ва кўнгилдагидек ўтиши газ таъминоти бўйича кўрилган

тайёргарликка боғлиқ. Ҳар қандай об-ҳаво шароитида истеъмолчиларга табиий газ бир маромада ва суолтирилган газ ўз вақтида етиб боришини таъминлаш ўзига яраша меҳнат ва ҳозирликни талаб этади. Ушбу йўналишда ҳам “Худудгаз Навоий” газ таъминоти филиали томонидан қатор чора-тадбирлар кўрилди. Бугунги кунда мавсумга захира материаллар ҳам тайёрлаб қўйилган. Шунингдек, 92 та ишчи-ходимдан иборат 19 та авария бригадаси ташкил этилди.

Куз-қиш мавсумига тайёргарликни манзилли дастурлар ва белгиланган чора-тадбирлар режасига асосан, йилнинг биринчи чорагиданоқ бошланганмиз. Шу асосида газ тармоқлари таъмирланди ва қўшимча янги тармоқлар тортилди. Носоз газ тақсимлаш пунктлари тўлиқ янгисига алмаштирилди. 1762 та газ тақсимлаш пункти техник назоратдан ўтказилиб, мавсумга шай ҳолатга келтирилди. Вилоят бўйича 233 километр газ қувури ҳолати белгиланган тартибда текширилди. Биргина Кармана туманида республика ва маҳаллий бюджетдан ажратилган маблағлар эвазига қўшимча 7,5 километр газ қувури тортилди, аҳолини табиий газ билан таъминлаш яхшиланди. Газ етиб бормоган худудлар аҳолисига белгиланган жадал асосида суолтирилган газ баллонлари ўз вақтида етказиб берилмоқда, — дейди “Худудгаз Навоий” газ таъминоти филиали бўлим бошлиғи Асқар Набиев.

“Навоийшаҳаргаз” газ таъминоти корхонасида ҳам куз-қиш мавсумига тайёргарликни янҳосига етмоқда. Шу мақсадда худудда 1,1 километр газ қувури реконструкция қилинди, 2 та газ тақсимлаш қурилмаси капитал таъмирланди. 26,7 километр газ қувури бўялиб, эстетик жиҳатдан тартибга келтирилди ва 205 та газ тақсимлаш қурилмаси техник назоратдан ўтказилди.

Айни вақтда вилоятда шаҳар ва туманлар кесимида аҳолига кўмир ҳам етказиб берилмоқда. Кўмирга эҳтиёжи бўлган оилалар маҳалла фуқаролар йиғинларига мурожаат қилиб, хонадонларига арзон нархда кўмир олмақда. Ушбу йўналишдаги ишлар тизимли ташкил этилган бўлиб, олис худудларда яшовчи аҳоли хонадонлари ҳам кўмир билан таъминланмоқда.

Ғолиб АБДУСАЛОМОВ, “Янги Ўзбекистон” мухбири

8 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси кун

Шу кунларда юртимизда Конституциямизнинг 32 йиллигини муносиб кутиб олиш ва кенг нишонлаш учун қизгин ҳозирлик кўрилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 17 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Конституцияси кун байрамига тайёргарлик қўриш ва уни ўтказиш тўғрисида”ги фармойишида “Конституция — эркин ва фаровон ҳаёт гарови!” деган ғояни ўзида мужассам этган ташкилий-амалий ҳамда маънавий-маърифий тадбирларни самарали ташкил этиш белгиланган.



ҲАР БИР МИЛЛАТНИНГ САОДАТИ ЁШЛАРНИНГ ТАЪЛИМ-ТАРБИЯСИГА БОҒЛИҚ

Таълим соҳасини ривожлантиришда Конституциямиз асосий ўрин тутди. Чунки айнан қонунчилик нормалари нафақат чегараларни, балки бутун ўқитиш жараёнига асос бўлган тамойилларни белгилаб беради. Бош қонунимизда таълим масалаларига бағишланган алоҳида модда мавжуд. Жумладан, 50-моддасига қўра, ҳар бир шахс тўғридан тўғри таълим олиш ҳуқуқига эга, давлат узлуксиз таълим тизимини ривожлантириш таъминлайди, мактабгача таълим ва тарбияни ривожлантириш учун шартин яратади, умумий ўрта ва бошланғич касб-ҳунар таълимининг бепул бўлишини кафолатлайди.

Бугун мамлакатимизда икки миллиондан ортиқ бола мактабгача таълим ташкилотига боради. Сўнгги йилларда бу борада жуда катта тизимли ислохотлар амалга оширилди. Мисол учун, 2016 йилда мактабгача таълим ташкилотларига қаровдор даражаси 27,7 фозини ташкил этган. Бу дегани ҳар тўрт бола-нинг бири богчага борган, деганидир. Айни пайтда эса бу кўрсаткич 72 фоздан ошди. Бу қайта эришилган жуда катта ютуқ.

2022 йилда Finance Inqilber нашри RCGA халқаро тадқиқоти натижалари ва ЮНИСЕФ, Жаҳон банки, Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққий ташкилоти маълумотларига таяниб, болаларни мактабгача таълим

ташкилотларига жалб қилиш бўйича энг яхши динамикага эга бўлган пешқадам 10 давлатни эълон қилди. Ўзбекистон жаҳон рейтингинида биринчи ўринни эгаллади.

Яна бир мисол. 2016 йилгача 5211 та мактабгача таълим муассасаси фаолият юритган. Бугун уларнинг сони 5-6 баробар ортди. Ушбу натижага эришилишида, албатта, соҳага хусусий сектор жалб қилиниши, уларга берилган имтиёз ва рағбатни алоҳида қайд этиш керак.

Янги тахрирдаги Конституциянинг 51-52-моддалари эса мактаб ва олий таълим билан боғлиқ. Таълим олиш ҳуқуқи тўғрисидаги моддаларнинг киритилиши фуқаролар учун кўпгина афзалликлар яратади. Хусусан, бу таълимни инсоннинг асосий ҳуқуқи сифатида қабул қилишни кучайтиради, ушбу ҳуқуқнинг мустаҳкамланиши, янада ишончли ва барқарор ҳимоя қилинишини таъминлайди. Қолаверса, аниқ меъёр ва тамойилларга асосланган қулай таълим муҳитини яратишга хизмат қилади. Энг муҳими, барча фуқаролар учун таълим олишда кўпроқ тенг имконият яратишга ёрдам беради ва ижтимоий тенгсизликни камайтиради.

Бундан ташқари, “Ўзбекистон — 2030” стратегиясида аҳолига таълимнинг барча

бўғинидан фойдаланиш имкониятини янада кенгайтириш, ўқитиш тизимини юқори сифат даражасига кўтаришга алоҳида эътибор қаратилган. Жумладан, умумий ўрта таълим тизимида “Таълим учун қулай муҳит” дастурини амалга ошириш доирасида олис ва чекка худудларда жойлашган мактаб ўқувчилари учун бепул автобуслар қатновини йўлга қўйиш, мактабларни тоза ичимлик сув ва замонавий санитария-гигиена инфратузилмаси билан тўлиқ таъминлаш, янги дарсликлар, маърифат, педагоглар учун методик қўлланмалар ва мобил иловалар, мультимедиа дастурларини яратиш, касб-ҳунарга ўргатиш курсларини очиш ҳамда хорижий тилларни ўргатиш масалаларини қамраб олган.

Таълимга сармоя киритиш деган ғояга таянсақ, олий таълимни ривожлантириш нафақат юқори малакали кадрларни тайёрлаш, балки ижодий фикрлаш, тадқиқотлар ва янги технологияларни ишлаб чиқишни рағбатлантиради. Ушбу омиллар барқарор жамиятнинг шакллантиришга ёрдам беради.

Лутфулла СУВОНОВ, “Янги Ўзбекистон” мухбири



Хотин-қизлар ва ёшларнинг мамлакат сиёсий ҳаётидаги фаоллигини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилди. Янги парламентда аёл депутатлар улуши 38 фоизга етди, бу эса тенглик ва инклюзивлик тамойилларини мустаҳкамлашда муҳим қадамдир.



Муносабат

# ДЕПУТАТНИНГ ҚАЛБИ, ВИЖДОНИ УЙҒОҚ БЎЛСА,

## ВАЗИРЛАР ҲАМ, ҲУКУМАТ ҲАМ, ПАРЛАМЕНТ ҲАМ УЙҒОҚ БЎЛАДИ...

Зулайхо АКРОМОВА,  
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати

Бошланиши 1-бегда

Ҳўш, парламентга “кириб келиш йўли” янгиланган экан, бу янгилашни кейинги фаолиятда ўз аксини қанчалик топади?

Бугун янги сайланган депутатлар қалбида ана шу савол ҳукмронлик қилмоқда. Айниқса, янги шаклланган парламентнинг Бош вазир номзодини кўриб чиқишга бағишланган мажлиси ва унда Президентимиз нутқ сўзлагани, илгари сурилган ташаббус ва таклифлар, билдирилган фикрлар депутатлар шижоатига шижоат қўшиб, уларда мустаҳкам ишонч, дахлдорлик ва бирдамлик ҳисларини уйғотганини алоҳида қайд этиш мумкин.

Бунга олиб келган муҳим жиҳатларнинг айрим-ларига алоҳида тўхталиб ўтиш орқали яқинда бўлиб ўтган сайлов ва унинг натижаси янги Ўзбекистон тарихидаги яна бир муҳим бурилиш нуқтаси бўлганини кўриб чиқишга жазм этдик. Зеро, айнан ҳозир ортга бир назар ташлаш, ўзимизни танқидий таҳлил қилиш орқали истиқболдаги фаолиятимиз самардорлигини таъминлаш йўлларини белгилаб олиш фурсати деб ҳисоблаймиз.

Учинчи Ренессансга

Биринчи қадам

Ўзбекистон ўз олдига Учинчи Ренессанс амалга оширишдек улкан ва тарихий мақсадларни кўйганига кўп бўлгани йўқ. Шу мақсадда сўнгги йиллар давомида ислохотлар кўлами кенгайгани ҳам бор гап. Уларнинг шиддати эса алоҳида эътирофга молик. Бугун нафақат кечаги кун билан яшаб бўлмайдиган, балки ҳақиқат бугуннинг ўзи билан яшаш ҳам амалда ортда қолгани аниқлади.

Фикрларимизнинг амалий исботи сифатида йиғилишда очикланган кўйидаги рақамларни ҳеч иккиланмасдан келтириш мумкин. Давлатимиз раҳбари ўтган беш йилдаги дастурлар ижросига тўхталиб ўтар экан, ушбу вақт муболағида иқтисодиёт 2 карра ўсиб, 100 миллиард долларлик тарихий маррадан ошганига алоҳида ургун берди. Бу аҳоли жон бошига даромад 3 минг долларга етишини кутишга тўла ҳақли эканимизга ишора қилди.

Боз устига, ушбу давр муболағида экспорт қарийб 2 баробар ўсиб, илк бор 25 миллиард доллардан, олтин-валюта захиралари эса 40 миллиард доллардан ошгани ҳам тарихимизда янги забт этилган марралардир.

Ўз навбатида, ижтимоий ислохотлар ва уларнинг натижалари диққат марказимизда эканидан келиб чиқиб, улар ҳақида ҳам алоҳида тўхталиб ўтиш жоиз. Бу борада сўз кетар экан, энг аввало, таълим ва соғлиқни сақлаш йўналишлари кўз олдимиғиза келиши табиий. Қувонарлиси, сўнгги беш йилдаги ислохотлар тўққинчи ушбу муҳим икки соҳани ҳам четлаб ўтмагани бугун яққол намоён бўлмоқда. Чунончи, шу давр ичиде мактабгача таълимда қамров 74 фоиздан, олий таълимда эса 39 фоиздан ошгани, барча ҳудудларда “Инсон” марказлари фаолияти йўлга қўйилиб, ижтимоий ҳодимлар томонидан бевосита маҳалларда аҳолига 100 дан ортиқ турдаги ижтимоий хизмат кўрсатилаётгани ислохотлар мевасидан, аввало, халқимиз баҳраманд бўлаётганини аниқлади.

Қувонарлиси, иқтисодий йўналишдаги сайё-ҳаракатлар ҳам келажакка оптимистик руҳда қарашга ишончини мустаҳкамлаётганидир. Зеро, “Ўзбекистон — 2030” стратегиясида ялли ички маҳсулот ҳажминини 160 миллиард долларга етказиш мақсад қилиб қўйилган бўлса, барча имкониятлар ишга солингани туйғайли бу кўрсаткич жорий йилнинг ўзидаёқ 110 миллиард долларга етиши кутилмоқда. Энг асосийси, танлаган йўлимиздан оғишмай, суръатни пасайтирмай, бир бўлиб ишлашимиз орқали 2030 йилга бориб, иқтисодийнинг ҳажминини 200 миллиард долларга етказиш имкониятимиз мавжудлиги барчани руҳлантиргани табиий.

Барчаси инсон учун

Агар ислохотларда гуманизм ғояларини мавзусида илмий изланиш қилинса, тадқиқотчи учун маълумотлар базаси шу қадар қатъ бўладики, бу ишнинг тез ва осон битишига мустаҳкам замин бор.

Албатта, бу ташбехни ҳар ким ўзича қабул қилади ва бунга ҳақли, аммо бир ҳақиқат борки, уни ҳеч бир жиҳат билан инкор этиб бўлмайди. У ҳам бўлса, янги Ўзбекистон ислохотлар моҳиятида, туб замирида ва марказида, энг аввало, инсон манфаати ётади. Ҳар



қандай йўналишдаги ислохотлар алоҳида олиниб, ўрганилса ва тадқиқ қилинса, пировард мақсад халқимиз турмуш даражасини тадрижий равишда яхшилаб бориш экани юзга чиқиб келаверади.

Партияимиз дастурий мақсадларини ҳамда сайловчиларимиз билан учрашувларда илгари сурган ғояларимиз мазмунидан келиб чиқиб, йиғилишда илгари сурилган ниҳоятда хайрли бир ташаббус аслида маъzur мақола устида иш бошлашга туртки бўлганини тан олишимиз керак.

У ҳам бўлса, 2025 йилда 1 миллион аҳолини камбағалликдан чиқаришдек хайрли мақсад Вазирлар Маҳкамаси иқтисодий комплекснинг асосий вазифаси этиб белгиланганидир.

Бир миллион кичкина рақам эмас ва уни амалга ошириш ҳам осон кечмайди. Бунинг учун ҳар биримиздан, аввало, бирдамлик, қатъийлик, интизом ва меҳнат талаб этилади. Нима бўлганда ҳам уни амалга ошириш имконияти мавжудлиги хусусида ўйлар эканмиз, бу йўналишда сўнгги йилларда амалга оширилган ишлар ва орттирилган тажриба, эришилган натижаларга бир қур назар солиш истаги тугилди.

Даставвал, янги даврда камбағаллик ва унинг даражаси давлат сиёсатида расман эътироф этилгани ва бартаф қилишга доир тизимли чора-тадбирлар кўриб келинаётганини қайд этиш жоиз. Бу борада қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар эса ислохотлар самардорлигини таъминлашга асос бўлмоқда. Хусусан, давлатимиз раҳбарининг 2023 йил 12 июндаги “Камбағалликни қисқартиришда тадбиркорлик субъектлари билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик ўрнатилишга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони орқали ушбу йўналишда тадбиркорларни ҳам фаол жалб этиш рағбатлантирилди.

Жумладан, янги иш ўринлари яратиш, уларга оғир иқтисодий аҳволдаги оилалардан ишчилар жалб қилган тадбиркорлик субъектлари учун имтиёзли кредитлар ва бошқа энгилликлар берилиши бошланди.

Маъzur ҳужжатнинг узвий давми ўлароқ, Президентимизнинг жорий йилнинг 23 сентябрь кунин қабул қилган “Камбағалликни қисқартириш ва аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш борасидаги чора-тадбирларни янги босқичга олиб чиқиш тўғрисида”ги фармони ҳам айна йўналишдаги ислохотлар силсиласида муҳим аҳамият касб этди.

Ҳужжатда барқарор ва юқори иқтисодий ўсиш суръатлари таъминланган камбағаллик даражасини 2019 йилдаги 23 фоиздан 2023 йилда 11 фоизга қисқартиришга имкон яратгани ҳамда 2025 йил якуни билан камбағалликни 6 фоизгача қисқартириш мақсад қилингани қайд этилган. Шунингдек, аҳолининг юқори даромадли барқарор иш билан бандлигини таъминлаш, ёшларнинг инновацион ва рақамли технологияларга асосланган таълим олиши ва касб-ҳунар ўрганиши, барча қатламларнинг тиббий ва ижтимоий хизматлардан фойдаланиши учун шарт-шароит яратиш ҳамда маҳаллалар инфратузилмасини ривожлантириш йўналишларида комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш ҳисобига 2024 йилнинг қолган даврида 500 минг, 2025 йилда 1 миллион аҳолини камбағалликдан чиқариш давлат ижтимоий-иқтисодий сиёсатининг ҳамда барча даражадаги давлат органлари ва ташкилотларнинг биринчи даражали вазифаси этиб белгиланган.

Ушбу мақсадда “Камбағалликдан фаровонлик сари” дастури маъқулланди ва “Камбағал оилалар учун еттига имконият ва масъулия” тамойили асосида амалга оширила бошланди.

Бу эса йиғилишда олдимиғиза қўйилган улкан мақсадни ҳаётга табиқ этишда фақатгина ўзаро ҳамжиҳатлик билан, жойларга чиққан ҳолда ҳақиқий аҳолини атрофлича ўрганиб, манзилли ишларни амалга оширишимиз лозимлигини аниқлади. Зеро, натижа билангина халқимиз ҳақли равишда биздан

“ Давлатимиз раҳбарининг 2024 йил 7 сентябрдаги “Кичик бизнесни узлуксиз қўллаб-қувватлаш” комплекс дастурини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорини ҳам эътироф этиш жоиз. Унга мувофиқ, ажратиладиган кредитларнинг энг кам миқдори 300 миллион сўмгача оширилди.

кутаётган истиқболни уларга тақдим эта олишимиз мумкин.

Шу ўринда яна бир муҳим жиҳатга эътибор қаратиш жоиз.

Сўнгги йилларда давлат раҳбарининг тадбиркорлар билан учрашуви анъана тусини олди. Ушбу учрашувлар давомида тадбиркорлар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олиш билан бирга, қўйнаётган муаммоларга ечим топаётгани бор гап. Энг асосийси, учрашувларда берилган топишиқлар ва билдирилган таклифлар асосида қабул қилинаётган қатор ҳужжатлар, аввало, янги иш ўринлари яратилишига, аҳоли бандлигини таъминлашга туртки бўлмоқда.

Бунга мисол қилиб Президентимизнинг 2023 йил 4 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Президентининг тадбиркорлар билан 2023 йилдаги очик мулоқотида белгиланган вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ҳамда “Кичик бизнесни ривожлантириши молиявий ва институционал қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорларини алоҳида эътироф этиш жоиз.

Уларга мувофиқ, “Кичик бизнесни узлуксиз қўллаб-қувватлаш” комплекс дастури қабул қилинди, тадбиркорликни қўллаб-қувватлашнинг ягона тизими яратилди. Илк бор 100 миллион сўмгача гаровсиз кредитлар берили бошланди. Бунинг шартларидан бири эса янги иш ўринлари яратишда иборатлиги фуқаролар бандлигини таъминлаш даражасига сезиларли таъсир кўрсатиб келмоқда, албатта.

Шу ўринда давлатимиз раҳбарининг 2024 йил 7 сентябрдаги “Кичик бизнесни узлуксиз қўллаб-қувватлаш” комплекс дастурини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорини ҳам эътироф этиш жоиз. Унга мувофиқ, ажратиладиган кредитларнинг энг кам миқдори 300 миллион сўмгача оширилди.

Эътиборлиси, масъул сифатида белгиланган банклар фақатгина кредит ажратиш эмас, ажратилган кредитларнинг мақсадли ишлатилиши жараёнида ҳам тадбиркор билан ҳамкорликда ишлаётгани кўзда тутилган мақсадларга эришишда муҳим омили бўлмоқда.

Бир сўз билан айтганда, келгуси йил олдимиғиза қўйилган 1 миллионлик маррани забт этишга бизда ҳамма шароит ва имконият мавжуд. Талаб этиладики фақатгина қатъият, масъулият ва бирдамликдир.

МАРРА БАЛАНД, ИШТИЁҚ ҲАМ

Мухтасар айтганда, Олий Мажлис палаталарининг ҳар иккисиде ўтган йиғилишлар қисқа ва узоқ истиқболдаги ислохотлар чизгиси сифатида тарихга муҳрланди. Биз, депутатлар учун эса бурилиш нуқтаси бўлди.

Олдимиғизда турган улкан ва эзгу мақсадларни амалга ошириш, халқимиз ишончини оқлаш ва юртимиз фаровонлигини таъминлашда Президентимизнинг қўйидаги фикрлари барчамизга дастуруламал бўлиб хизмат қилди: “Ҳеч қачон унутмаслигимиз зарур: мамлакатимиз хавфсизлиги, юртимиз муҳофази нафақат Куроли Қучлар ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари, балки Ўзбекистонни ўзи учун она Ватан деб биладиган, миллати, тили ва динидан қатъи назар, барча инсонларнинг муқаддас бурчидир. Бунинг учун ягона Ватан, кўп миллатли ягона аҳил оила туйғуси ҳар биримизнинг қалбимиз, юрагимиздан чуқур жой олиши лозим”.



# ЎЗБЕКИСТОН ТАРАҚҚИЁТИНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ, ШУБҲАСИЗ, УЛКАН ИМКОНИЯТЛАР ВА РИВОЖЛАНИШ ДАВРИ БЎЛАДИ

## Хорижий экспертлар Ўзбекистон етакчисининг мамлакат янги парламенти палаталари мажлисларида сўзлаган нутқлари ҳақида

Президент Шавкат Мирзиёевнинг 18-20 ноябрь кунлари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенати мажлисларидаги маърузалари хорижий мамлакатлар ижтимоий-сиёсий ва эксперт доираларида катта қизиқиш уйғотди. Хорижий экспертлар ушбу воқеаларни шарҳлар

экан, мамлакатда амалга оширилаётган демократик жараёнларга халқаро стандартларнинг жорий этилиши ўз самарасини бераётганига эътибор қаратмоқда. Айни пайтда Ўзбекистон ўз тараққиётининг янги даврига қадам қўймоқда, мамлакат ўз олдига улкан ва аниқ мақсадларни белгилаб олган.



Антонио АЛОНЗО, Сан-Пабло университети профессори (Испания):

— Олий Мажлис палаталари мажлисида қабул қилган қарорлар ва билдирилган ташаббуслар Ўзбекистонни ривожлантиришнинг аниқ стратегияси, ҳар бир фуқаро ҳақида ғамхўрлик қилишдан далолат беради.

Абдулла Арипов номзоднинг Бош вазир лавозимига маъқулланиши ва ривожланишнинг устувор йўналишлари белгиланишида изчил ҳамда истиқболли ёндашув муҳимлиги таъкидланган. Айниқса, сўнгги йилларда иқтисодий ўсиш суръатларининг икки баробар ортиши, инвестиция ва замонавий

технологияларнинг жорий этилиши, жумладан, муқобил энергетиканинг ривожини каби ютуқлар жуда хайратланарли. Буларнинг барчаси Ўзбекистон барқарор ва экологик тоза тараққиёт сари дадил қадам ташлаётганини аниқлади.

“Ўзбекистон — 2030” стратегиясида белгилаб берилган мақсадлар шунчаки улкан режалар эмас, балки аҳоли турмуш даражасини оширишнинг реал асосидир. Ижтимоий инфратузилмани такомиллаштириш, камбағалликни қисқартириш, хусусий секторни ривожлантириш ва инновацион ечимларни жорий этиш келажак авлодлар учун мустаҳкам замин яратеди.

Атроф-муҳитни асраш ва барқарор ривожланишнинг глобал тенденцияларига мос келадиган “яшил” иқтисодиётни ривожлантириш ташаббусига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистонда 2025 йилнинг “Атроф-муҳитни асраш ва яшил” иқтисодиёт” йили деб эълон қилиниши мамлакатнинг экологик масъулияти ва келажак учун табиий ресурсларга ғамхўрлик қилиш мажбуриятини тасдиқлайди.

Ҳукумат ва парламент ўртасидаги шаффоф ҳамкорлик, жамоатчилик назоратининг кучайиши, халқаро алоқаларга эътибор қаратилаётгани ислохотлар учун мустаҳкам сиёсий-ижтимоий асос яратеди.

Уйлашмики, Ўзбекистон тараққиётининг ушбу янги босқичи, шубҳасиз, катта имкониятлар ва ривожланиш даври бўлади. Ўзбекистон ҳукумати ва халқига қўйилган мақсадларга эришишда муваффақиятлар тилайман.

Абдулҳамид Ҳамид Абдулла АЛ-КУББЕЙ, “Tanmah Press” сайти бош муҳаррири, “Masarat Center for Strategy & Media” стратегия ва медиа маркази эксперти (Саудия Арабистони):

— Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати мажлисларидаги нутқи мамлакат сиёсий ҳаётида тарихий аҳамиятга эга воқеа бўлди.

Президент илк бор аралаш сайлов тизими асосида бўлиб ўтган сайловлар парламентнинг халқ вакилликнинг асосий институти сифатидаги ролин кучайтиришда муҳим қадам бўлганини алоҳида таъкидлади. Янги Конституцияда Олий Мажлис палаталарида катта ваколатлар берилгани давлат бошқарувини янада самарали амалга ошириш учун замин яратмоқда.

Ўзбекистон етакчиси ўз нутқларида иқтисодий ўсиш, камбағалликни қисқартириш, аҳоли даромадларини ошириш ва инфратузилмани ривожлантириш каби улкан мақсадларни белгилаб берди. Шунингдек,

Президент янги ҳукуматнинг замонавий технологияларни жорий этиши ва янги иш ўринлари яратишга қаратилган ҳаракат дастурини ҳам тақдим этди.

Хотин-қизлар ва ёшларнинг мамлакат сиёсий ҳаётидаги фаоллигини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилди. Янги парламентда аёл депутатлар улуши 38 фоизга етди, бу эса тенглик ва инклюзивлик тамойилларини мустаҳкамлашда муҳим қадамдир.

Ўзбекистон Президенти 2025 йилни “Атроф-муҳитни асраш ва яшил” иқтисодиёт йили” деб эълон қилиниши таъкид қилди. Ушбу қарор Ўзбекистоннинг экологик тоза технологияларга ўтиши ва “яшил” стандартларни жорий этишга содиқлигини билдиради.

Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлик малакасини ошириш, долзарб масалаларни самарали ҳал этиш имконини берадиган парламент ва ҳукумат ўртасидаги ўзаро ҳамкорлигининг янги механизмларини жорий этиш заруриятини алоҳида ургулди.

Бу ташаббуслар Ўзбекистон тарихида миллий ўзликни мустаҳкамлаш, ижтимоий фаровонлик ва халқаро жараёнларга фаол иштирок этишга қаратилган янги босқич бошланиши белгисидир.

ҳолда тизимли асосда мамлакат сиёсий тизимини такомиллаштириш, жамиятда сиёсий плюрализм даражасини ошириш бунинга чора-тадбирлар изчил давом этаётгани бунинг тасдиғидир.

Президент Шавкат Мирзиёев янги парламентдаги нутқида таъкидлаганидек, бундай ислохотларни амалга ошириш учун қўллаб-қувватларга ўнлаб йиллар керак бўлди. Мен давлатнинг етакчисининг фикрига тўлиқ қўшиламан. Ўзбекистон бунга ишонч билан ва жуда қисқа вақт ичиде эришиш олган кам сонли давлатлардан бири сифатида эътироф этиш мумкин.

Виктор КИМ, Тожикистон Миллий фанлар академиясининг Фалсафа, сиёсатшунослик ва ҳуқуқ институти илмий ҳодими:

— Мамлакат етакчисининг Олий Мажлис палаталаридаги маърузаси янги Ўзбекистон ўз тараққиётининг ҳал қилувчи босқичига қадам қўйишнинг бошланиши сифатида тарихга қиради. Комил ишонч билан айтиш мумкинки, янги Ўзбекистонни бунёд этиш миллий ғояси аниқ мақсадларга эга бўлмоқда.

Ўзбекистонда яқинда муҳим сиёсий тадбирлар бўлиб ўтди. Янги таҳрирдиги Конституцияга мувофиқ янги парламент тузилди. Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг мақсад ва вазифалари, илгари сурилган ғоялар эълон қилинган мажлисларида иштирок этиши, моҳиятан, Олий Мажлисга, халққа навбатдаги Мурожаатига айланди.

Ўзбекистонда 2023 ва 2024 йиллардаги сиёсий жараёнлар динамикаси нафақат тезлиги, балки сайлов тизимидаги энг илгор технологиялардан фойдаланган ҳолда амалга оширилаётган ислохотлар кўлами ва очиклиги билан ҳам хайратланарлидир.

Ёшлар ва хотин-қизлар сонини муттасил ортиб бораётган депутатлик корпусида тегишли равишда 11 нафар (7,5 фоиз) ёшлар ва 57 нафар (38 фоиз) аёллардан иборат депутатлар таркибидеги сифат ўзгаришларини алоҳида таъкидлаш керак.



Иқтисодий кўрсаткичлар ҳам изчил сиёсат юритилаётгани ва “Ўзбекистон — 2030” стратегиясида белгиланган мақсад — ялли ички маҳсулот ҳажминини 160 миллиард долларга етказиш тўғрисидаги тасдиқлайди. 2024 йилда ЯИМ 110 миллиард долларга етиши кутилмоқда. Бу суръатда иқтисодий ўсиш 2030 йилга бориб, 200 миллиард долларга етиши мумкин.

Келажакка назар ташлаш, изчил сиёсат юритиш Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг ажойиб фаизлатлари бўлиб, янги парламентга эга бўлган янги Ўзбекистон ўз тараққиётининг ҳал қилувчи босқичига қадам қўяётган давр келганига ишонини имконини беради.



Бошланиши 1-бетда

Ёнига яна 6 нафар ишсиз маҳалладош қизни олиб, болалар ва аёллар миллий либослари, уй-рўзгор анжомлари, кўрпа-тўшак тикишни йўлга қўйди. Унинг сифатли кийим-кечаклари водий бозорларида харидорғир. Буюртмалар ҳажми ошиб бориши билан туман марказидан ижарага жой олиб, фаолиятини кенгайтирди. "Нафосат-нафис" маиший хизмат кўрсатиш тармоғига асос солди. Бу ерда замонавий тикув машиналари ишлаб турибди, 20 дан ортиқ хотин-қиз билан касаначилик асосида ишлянапти.



КЕЧА "АЁЛЛАР ДАФТАРИ" ДА ЭДИ, БУГУН ИШ БЕРУВЧИГА АЙЛАНДИ



— Барчаси кунг ва ҳалол меҳнатга боғлиқ, — дейди Зилола. — Бугун рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқариш жуда муҳим. Шу мақсадда Москвадаги тикувчилик корхоналарида малака ошириб, улар билан ҳамкорликда ишлаш юзасидан келишувларга эришдик. Шўкр, олаётган даромадимиз ёмон эмас. Ҳозир куз-қиш мавсумига мос кийимлар тикишни бошлаганмиз. Мижозлар буюртмалари асосида бошқа кийимлар, автомобиллар учун тўшамалар тайёрлашни ҳам йўлга қўйганмиз. Уларнинг бир қисмини хоризга сотамиз. Айтишларича, бу ерда меҳнат қилаётган ўндан ортиқ ишчи-хизматчи ижтимоий дафтларга киритилганлардан. Улар дастлабки ўқув амалиёти жараёнида хунар ўрганиб, етарли малака ва маҳорат тўплаб олганидан сўнг ўз тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш имкониятига эга. Жорий йилнинг ўзида ушбу кичик ишлаб чиқариш тармоғида

малака ва маҳорат оширган юздан ортиқ хотин-қиз касб сирларини ўрганиб, мустақил фаолият бошлаган. Умидаҳон Сайфутдинова "Янги араб" маҳалла фуқаролар йиғинидан. "Аёллар дафтари"га киритилган Умидаҳон шу ерда ишлаб, иш тажрибасини ошириб келмоқда. Бичиштириш ҳадисини олган тикувчи "Аёллар дафтари" жағғармаси ҳисобидан субсидия асосида тикув машинаси берилди. У ишдан ажралмаган ҳолда уй шароитида маҳсулот ишлаб чиқариб, қўшимча даромад олмақда. "Тошобод" маҳалла фуқаролар йиғинида умргузаронлик қилаётган Умида Отажоновна ҳаёт синовларида тоблган, меҳнат ва изланишдан қочмайди деган матонатли оила бекларидан. Тиричилик илинжида болаларини ёлғиз ташлаб, бир неча йил мусофирчиликнинг аччиқ нон-тузини татиб кўришга мажбур бўлди. Топгани ўздан ортмади. Бир

томондан болалар улғайиб келмоқда. Уларга яхши одоб, таълим-тарбия бериш масъулияти ота-она ҳаловатини олди. Умидаҳон меҳнат мигранти сифатида "Аёллар дафтари"га киритилиб, томорқасида гул экиладиган иссиқхона куриш учун 33 миллион сўм имтиёзли кредит ажратиб берилди. Ташқарида олтин кузнинг изгирини шамоли этни жунжиктиради. Хонадон томорқасида тикув машинаси эса ёз ифори ҳўкмон. Ранго-ранг гуллар ифорида кўз қувнайди, дил яйрайди. — Болалигимдан гул парваришлашни яхши кўраман, — дейди Умидаҳон. — Ҳозир куз гулларини экканмиз. Улар куз-қиш совуғида ҳам кўнгилга чирой, фусункорлик бағишлаб туради. Баҳор мавсумида ноз турга яқин гул экиб, сотуғча чиқарамиз. Мавсум давомида ўндан ортиқ ишчига ҳэтиёе сезамиз. Уларнинг аксариятини маҳалламиздаги

хотин-қизлар, ёшлар ташкил этади. Аини кўнда фаолият кўламинини кенгайтириш, Европа ва Хитойдан янги гул турларини олиб келиб, маҳаллийлаштириш борасида ишлянапти. — Уз ишининг устасига айланган Умидаҳон шу тариқа "Аёллар дафтари"дан очди. Меҳнати орқали оиласи, маҳалладошларига нафи тегаётганидан мамнун. Туман марказида "Ниҳол" табиий гуллар дўконини очди. "Зилол" маҳалла фуқаролар йиғинида яшаб келаётган Гулчехра Умарова иссиқхонасида помидор йиғиб-терши ишлари авжида. Август ойида иккинчи экин сифатида экилган кўчлар кийгос ҳосилга кирибди. — Эрта баҳорда экилган дориндан 150 миллион сўмдан ортиқ даромад, кузи ҳосил чўғи ҳам чакки эмас, — дейди Гулчехра опа қирмизи помидорларни кўрсатиб. — Муҳими, оиламизга кут-баракат, хотиржамлик кирди. Кунлар илгий бошласа, ўғлим, қизим Россияга иш излаб кетарди. Уларни кузатиб, минг хавотирда юрак ховчулб ўтирардим. Мана, икки йилдирки, ёнимда, ҳамжихатликда меҳнат қилиб, оила тебратмоқда. Уйлар қўрдик, тўй қилдик, фарзандларимизни ўқитяптимиз, янги машина олдик. Ҳалол меҳнат орқали бир оила ҳаёт тарзи учун керакли барча нарсаларга эга бўлдик. — "Аёллар дафтари"га киритилган хотин-қизларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, бандлигини таъминлаш бўйича хонадонмаҳонадон юриш орқали 6602 хотин-қиз рўйхати шакллантирилган, — дейди Олтиариқ тумани ҳокими ўринбосари, оила ва хотин-қизлар бўлими бошлиғи Ҳилола Отажоновна. — Шу кўчга қадар 5801 хотин-қизни доимий ва вақтинчалик ишларга жалб этиш, касб-хунарга ўқитиш, мустақил равишда ишга жойлаш, ўзини ўзи банд қилиш билан боғлиқ чора-тадбирлар кўрилди. Тадбиркорлик қилиш истағида бўлган 430 хотин-қиз касб-хунарга ўқитилиб, маҳалла фуқаролар йиғинидаги ҳоким ёрдамчилари кўмағида кредит ажратилди, субсидия асосида тикув машина ҳамда пиширқич печи каби керакли иш қуроллари билан таъминланди. Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, "Бизнеса биринчи қадам" микроқарзи, "Кичик бизнесни улзуксиз қўллаб-қувватлаш" комплекс дастури ва бошқа тижорат кредитлари, Сайхунбод тажрибаси асосида хотин-қизлар бандлигини таъминлаш, камбағалликдан чиқаришга интиляптимиз. Умуман олганда, жорий йилнинг ўтган даврида "Аёллар дафтари" рўйхатида киритилган хотин-қизларга қўнунчиликда белгиланган тартибда моддий, тиббий, психологик ҳўқуқий ёрдамлар кўрсатиб келинмоқда.

Расулжон КАМОЛОВ, "Янги Ўзбекистон" муҳбири

Юртимизнинг географик жойлашувини ҳисобга олган ҳолда замонавий автомобиль йўллари тармоғини бунёд этиш ва ривожлантириш миллий иқтисодий тармоқнинг рақобатбардошлигини ошириш, транспорт салоҳияти ҳамда экспорт имкониятларини кенгайтиришда муҳим омилдир.

ЭНГ ЯХШИ ЛОЙИҲАЛАР ОЛИС МАНЗИЛЛАРДАН БОШЛАНМОҚДА



Бунёдкорлик



мутахассиси Хусан Лолаев. — Қумқўрғон, Олтинсой, Денов туманларида 13 километр, Бандихонда 3 километр, Бойсун туманида 9 километр масофада цемент-бетон қопламаси ётқизилямоқда. Лойиҳа бош пудратчиси этиб Туркиянинг "Lankagan Yol Tikinti" МЧЖ корхонаси белгиланган. Жанубий Кореянинг "Донгсунг инжиниринг" компанияси инженер-консултант сифатида фаолият юритяпти. Ушбу лойиҳани амалга ошириш жараёнида тезкорлик билан бирга сифат назоратига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. — Бу йўллар ҳар томонлама, жумладан, геодезик тадқиқ қилиниб, сўнг барпо этилмоқда. Унинг узунлиги, эни, асоси махсус ўрганилиб, ишлар мунтазам назорат остида бажарилямоқда. Зичлик, асос қатламга алоҳида аҳамият қаратилмоқда, — дейди "Донгсунг инжиниринг" компанияси инспектори Малик Хусанов. Вилоятнинг Бандихон, Бойсун, Денов, Қумқўрғон ҳамда Олтинсой туманлари ҳудудидаги қарийб 53 километр узунликдаги ички ҳўжалик йўлида цемент-бетон қопламали йўл ётқизиляшига 24 та техника ҳамда 50 дан зиёд ишчи-ҳодим жалб қилинган. Олтинсой тумани Халқобод маҳалласида 9 та кўча бўлиб, шулардан Саъдий

Шерозий кўчасининг 1500 метрдан зиёд қисмига цемент-бетон қопламаси ётқизилди. — Бу кўчалар куз, қиш, баҳор ойларида лойга тўларди. Йўлсозларга раҳмат. Маҳалламиздаги ҳамма кўчалар текислаб бўлинди, — дейди Олтинсой туманидаги "Халқобод" МФЙ раиси Абдуваҳоб Алимов. — Сифати жуда яхши. Йўлаклар ҳам қуриляпти. Сурхон воҳасининг чекка тумани бўлган Олтинсой инфратузилмасини сўнгги йилларда тубдан ўзгарди. Тумандаги қурилиш ва бунёдкорлик ишлари, айниқса, ички ҳўжалик йўлларига цемент-бетон қоплама ётқизиляётганларида аҳоли беҳад мамнун. Йўл инфратузилмасини яхшилаш бора-боранинг ишлари доирасида маҳалланинг ички йўллари кўп йиллардан бунёд этилган чекка қанчалар бор гап. Ҳозир ушбу йўллар ҳам таъмирлянапти. Уларнинг қурилишида сифатни таъминлаш биринчи галдаги вазифа. Шу боис, тўлиқ маҳаллий материаллардан фойдаланган ҳолда юқори сифат кўрсаткичига эришиш кўзда тутилган. Қурилиш материаллари ва бажариляётган ишлар сифатини баҳолаш жараёнида хорижий стандартлар қўлланыляпти. Мазкур лойиҳаларни амалга ошириш жараёнида қурилиш-монтаж ишларини бажаришда замонавий технологиялар ва инновацион материаллар ишлатилмоқда. Бу эса маҳаллий мутахассисларнинг иш билан таъминляниб, халқаро тажрибаларни ўрганиши учун кенг имконият яратяпти. Натияжада ички йўллар ҳолати яхшиланылямоқда.

Сарвар ТўРАЕВ, "Янги Ўзбекистон" муҳбири

Мамлакатимизнинг деярли ҳар бир ҳудудида табиий қазилма бойликлар мавжуд. Айниқса, тоғли ҳудудларда катта захиралар борлиги аниқланган. Кейинги пайтда фойдаланиляётган кўпгина тоғ конлари аукцион орқали тадбиркорларга сотилиб, имкониятлар ишга солинылямоқда. Бунинг натижасида қурилиш саноатида ишлаб чиқариш ҳажми ортмоқда. Шунингдек, импорт қилинаётган кўпгина маҳсулотлар ўрни қопланишига эришилмоқда. Жумладан, бу борада Чироқчи туманида ҳам қатор ижобий кўрсаткичлар кўзга ташланыпти.

Янгича ёндашувлар



ОДДИЙ ҚУМДАН ЭКСПОРТБОП МАҲСУЛОТ

Қумдарё Чироқчи туманининг юқори тоғли манзилда бошланиб, адоғи чўл ҳудудида қадар оқиб боради. Унда сув асосан, серёғин пайтларда бўлади. Уз номига мос бўлган Қумдарё ўзани тоғу тошлардан сув ювиб тушган қум заррасига тўлиб туради. Бу асосан, қурилиш учун энг керакли бўлган кварцдир. Манбаларга қура, кварц турли тоғ жинсларининг асосий таркибий қисми. Кварц қуми керамика ва шиша саноатида, монокристалли оптика ва радиотехникада, шаффоф ва чиройли ранглилар ярим қимматбаҳо тош сифатида заргарликда ишлатилади. Бугун Чироқчи туманида тадбиркор Абдулазиз Холиқов ташаббуси билан ушбу табиий бойлиқни қайта ишлаб, қурилиш саноати корхоналарига ярим ва тайёр кварц қуми етказиб бериш йўлга қўйилган. Дастлаб фаолиятини 2014 йилда бошлаган тадбиркор "Чироқчи дала шпатели кварц" номли хусусий корхона очганди. Лекин етарли даражада технологияси бўлмаган боис, маҳаллий бозорда ўз ўрнини топишга қийналяди. Шундай бўлса-да, ҳеч қачон орта чекинмади. Бугун эса ишбилармон доира вакиллари яратилётган қўлайликлар тўғрисида соҳада етакчи корхоналардан бирига айланди. — Биринчи бор шу йўналишда иш бошлаганимда кўпчилик эътироз билдирганди, — дейди Абдулазиз Холиқов. — Оддий қумни қайта ишлаб, бирор фойда олиш мумкинлиги га шубҳа билан қараганди. Табиат бизга инъом этган қанчадан-қанча бойликлардан фойдалана олмаймиз. Аввалига Қумдарёдан кварц қумини олиб, анча изланишлар ўтказганман. Соҳанинг тажрибали мутахассислари маслаҳатини олдим. Тизимда фаолият юритяётган ишбилармонларнинг лойиҳалари билан

танишдим. Изланишларим натижасида қум қайта ишланса, харидори, албатта, топилиши маълум бўлди. Бозорда бунга талаб юқори. Бундан ташқари, воҳамизда бу йўналишда рақобатчи ҳам йўқ. Шу боис, таваккал бўлса-да, ишни бошлагандим. Дастлаб дарёдан қум қазиб чиқариш учун тегишли рухсатнома олдим. Шундан сўнг қумни саралаб, қайта ишлайдиган ускуналар харид қилдик. Биринчи йили ишимиз анча яхши бўлди. Харидорларимиз сафи кенгайди. Аммо кейинчалик буюртмачилар ортинги натижасида маҳсулотларни ўз вақтида етказишга қийналиб қолдик. Боиси, ускуналаримиз кам қувватли бўлиб, жуда кўп вақт йўқотилярдик. Бу эса айрим муаммоларни келтириб чиқарди. Ускунанинг каттароқ қувватда ишлайдиганини сотиб олишга кучимиз етмасди. 2019 йилга келиб, давлатимиз биз каби тадбиркорларга катта имконият берди. Президентимизнинг 2019 йил 23 майдаги "Қурилиш материаллари саноатини жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қароридан кейин ишимиз олға сиқий бошлади. Қарорда тармоқни жадал ривожлантириш ва диверсификация қилиш учун қўлай шаршароит яратиш, маҳаллий минерал ҳомашё ресурсларини қайта ишлашга инвестициялар ва қурилиш материалларини экспортга йўналтириш ҳажминини ошириш кўзда тутилган эди. Шу йили Абдулазиз Холиқовнинг 192 минг доллар имтиёзли кредит олиб, Хитойдан кварц қумини қайта ишлайдиган замонавий технологияларни харид қилди. Бу эса имкониятини кенгайтириб, ишлаб чиқариш қувватини оширишга замин яратди. — Олдинлари эски ускунаимиз билан йилга 10 минг тонна қумни қайта ишлаган

бўлса, янгисида бу кўрсаткич 50 минг тоннага етказилди, — дейди тадбиркор. — Бундан ташқари, корхонамизда аввал 13 киши меҳнат қилган бўлса, ишлаб чиқариш ҳажми ортинги эъвазига яна 24 кишининг бандлиги таъминланди. Шу билан бирга, олдин фақат ярим тайёр маҳсулотни сотиб келган бўлсак, кейинчалик тайёрини ҳам ҳамкорларимизга етказиб бера бошладик. Ҳаётно хорижий ҳамкорларимиздан буюртмалар қабул қилипмиз. Маҳсулотларимизни Қозғистон, Тожикистон, Туркменистонга сотяптимиз. Шунингдек, Тошкент вилояти ва бошқа ҳудудлардаги қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчи корхоналар ҳамда сувини қайта ишловчи муассасаларга кварц қумини етказиб беряптимиз. Чироқчи тумани ҳокими ўринбосари Тоир Сатторовнинг таъкидлашича, бугунга қадар туманда 7 та кон аниқланган. Ҳозир ушбу конлар 9 та ҳудудга бўлинган бўлиб, 6 таси тадбиркорлар томонидан ўзлаштирилмоқда. Буларда кремний, кварц, гишт, қурилиш тоши ва оҳак, қум-шағал материаллари ҳомашёси ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. Шунингдек, қолган конларни ўзлаштириш борасида ҳам тизимли ишлар қилинмоқда. Хорижий инвесторларнинг қизиқишлари ўрганилямоқда. Яқинда россиялик инвестор ташаббуси билан ҳудуддаги яна бир янги конда лойиҳа амалга оширилиши борасида келишувга эришилди. Бу эса туманда бўш турган фойдали қазилмаларни ишлатиш билан бирга, аҳоли бандлигини таъминлашга хизмат қилади.

Акбар РАҲМОНОВ, "Янги Ўзбекистон" муҳбири









## Тошойна

## Бошқача бўлиши мумкин ёхуд бойлар ҳам йиғилади

Одатда бой ва камбағал тушунчасига моддий орқали нисбат берилади. Пули кўп одам — бой, ози — камбағал. Бизга пули кўп одамнинг муаммодан бошқа ҳамма нарса бор, камбағалнинг муаммодан бошқа ҳеч нарса йўқ бўлиб туолади. Гўёки бошқача бўлиши мумкин эмас!

Одамларда бой ва камбағаллик мезонлари турлича. Халқимизда бир нақл бор: “Пули кўп инсон бой эмас, нафси тўқ инсон бойдир”. Кимдир қорни тўйиб овқатланганига ёки мебель, автомобиль сотиб олганига қаноат қилади, ўзини бойлар қаторига қўшади. Бошқаси кўша-қўша уй-жой, муқим даромадга эга бўлса-да, камбағаллиги ва етишмовчиликдан нолиқди.

Халқро матбуотда дунёда бойлар ва камбағаллар ўртасида тафовут ошиб бораётгани мавзуси кўп ёзилмоқда. Келтирилишича, жаҳондаги 26 та бой инсоннинг даромади дунё аҳолиси ярмининг даромадидан орттиқдир. Сўнгги йиллар мобайнида бойлар янада бойи ва қашшоқлар ундан-да қашшоқлашди.

“Бой бўлиб туғилмайди, бой бўлиб етишди”, деган гап ҳам бор. Бу ерда асосий гап “етишиш”да. Бу ҳаракатли, такомиллаштириш, ишни маош олиш учун бажариш одами бой қилмайди. Ишни севиб, сидқидилдан бажарган кишига даромад ўзи келади. Бойликка эришиш учун олдига мақсад қўйиш ва ҳаракат қилиш, ўқиб-ўрганиш, сармояни тўпламай, ишга солиш, руҳини чархлаш, фикрни комиллаштириш, тафаккурни янгилаш талаб этилади.

Собик иттифоқ мафкураси совет халқи шурига бойларни элим, овар, маънавият-сиз кишилар, камбағалларни эса мазлум, оқил ва қаҳрамон сифатида синдиришни удралагани (афсуски, ҳамон жамиятимизда бу асорат ўзининг айрим унсурларини сақлаб турибди). Бошқача айтганда, ҳуқуқат 1917 йил октябрь инқилоби (тўнтарини)нинг бош гоиси — “Йўқолсин бойлар, яшасин камбағаллар!” даъватини ҳаётга татбиқ қила олди. Узоқ йиллар мобайнида бойларсиз камбағаллар (камбағаллик) гуллаб-яшнаган давлат дунё сиёсий харитасини “безаб” келди.

Натижада не-не халқларнинг бойлари — халқ қорига яраётган тадбиркорлар, илгор фикрли ишбилармонлар, зиёли иждоқорлар, сиёсий бошқаруving элита вакиллари жисмонан бадном этилиб, бойликлари талон-тороқ қилинди, оила аъзолари кўчага қувилди, бошпанасиз қолдирилди. Бу эса ёппасига қашшоқлик ва маънавий таназзулга олиб келди, кўплаб халқ ва миллат вакиллари қийналди, оёққа туриб олиш мураккаб ва узоқ кечди.

Ҳар қандай замонда ҳам яшаш учун ҳаракат қилиш керак. Ҳар ҳолда ҳаракат қилиб бойиш ҳам, бойимаслик ҳам мумкин, аммо ҳаракат қилмасдан бойиш илҳосиздир. Бугун моддий ва маънавий бойлик, бойлар ва камбағаллар маънавияти ҳақида мухтасар фикр юритмоқчимиз. Демак, аввало, моддий ҳақида...

## Кўлнинг кири ёхуд тухум бераётган товۇқни сўймайдилар

Ҳозир мамлакатимизда бошқа муаммолар қатори қашшоқлик ҳам барҳам беришга қаратилган ислохотлар кечмоқда. Жорий йил 11 сентябрь куни Президентимиз расмиёнда камбағалликни қисқартириш ишларини кейинги сифат босқичига олиб чиқиш масалалари муҳокамаи бўйича видеоселектор йиғилиши ўтказилган эди. Унда камбағалликни фақат пул тарқатиш, нафақа тўлаш билан ҳал қилиб бўлмаслиги, бунинг учун камбағал оила аъзоларини ўқитиш, касбга ўргатиш ва иш билан таъминлаш муҳим эканига эътибор қаратилиб, мавжуд вазият таҳлил қилинди. Бу мақсад жуда кенг кўламли экани, унга барча ҳисса қўшиши кераклиги таъкидланди.

“Бундан буён камбағалликни қисқартириш умумийлиги ҳаракатга айланади. Ҳуқуқатдан тортиб, туман ташкилотигача барча бўғиндаги раҳбарларнинг кундалик иши оилаларни камбағалликдан олиб чиқиш бўлиши керак. Бу борада назорат ҳам, сўров ҳам қаттиқ бўлади” деди давлатимиз раҳбари.

“Тиришмоқ ризқ эшигининг калитидир”, деган экан мавлоно Румий. Боқсангиз, асарият бой инсонларана ана шу фазилатни кўрасиз. Бир-икки меросхўрни инобатга олмасан, ўзига тўқиланинг замирида тинимсиз меҳнат, машаққат, мақсад сари интилиш, тириш-қоқлик жо. Нима учун кимдир қўлига катта маблағ тушиб қолса, бир-икки кунда совуриб юборади? Бошқа биров эса ўша пулни бирор ишга тикиб кўпайтиради? Ҳамма гап пулга

## МОДДИЙ ВА МАЪНАВИЙ БОЙЛИК ҚАЙ БИРИ БИРЛАМЧИ?

Бизнинг иккита ўқ томиримиз, иккита таянч устунимиз бор: бири — иқтисодий, бири — маънавийдир. Маънавий буюк халқ — иқтисодий томондан ҳам буюк бўлади.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,  
Ўзбекистон Республикаси Президенти



Нодир МАҲМУДОВ,  
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

муносабатда! Дейл Карнеги “Бой бўлиши истаган одам пулга оқилона муносабатда бўлиши шарт. Бу уни бошқаларга қарам қилмайди. Ҳали билар билшадикки, инсонини пул эмас, ундан оқилона фойдаланиш бахтли қила олади. Пул ҳам шунга лойиқ инсонларнинг қўлига бориб тушади”, деган эди.

Кўҳна ривоятда келтирилишича, қадимда қашшоқликда аранг кун кечирадиган бир кишининг бисотидаги битта битта товۇқ кўққисдан тилла тухум туғибди. У аввалига биров ҳазиллашган деб ўйлабди. Лекин ҳар эҳтимолга қарши тухумни заргар ҳузурига элтибди. Заргар тухум асл тилладан эканини тасдиқлабди ва катта пул эвазига сотиб олибди.

Уша кунни кечкурун камбағал киши катта базм уюштирибди. Эртасига каттака йўл олса, товۇқ яна битта тилла тухум босиб ётибди. Бу ҳолат бир неча кун давом этибди. Кейин эса нафси ҳақалак отибди. Кунига битта тилла тухум камлик қила бошлабди. У товۇқни сўйиб, ҳамма тухумга бирдан эгалик қилмоқчи бўлибди. Бироқ товۇқ танасидан нўхатдек келадиган, ҳали ҳомили ҳолатидаги

улар билан бўлишиб, миннатдорлигимизни намойиш қилишимиз керак”.

Бу иқтисодий бир китобда ўқиган эдим. Келиб чиқадикки, киши моддий бойлигини маънавий бойлиги тўлақонли бўлишига хизмат қилдира олиши матонат ва мақсадга мувофиқдир. Демак, бошқа бойликлар ҳақида...

## Етим маънавий ёхуд ёнимиздаги улкан бойлик

Албатта, ҳаётда ҳар бир инсон бой бўлиши истади ва бу йўлда тинмай ҳаракат қилади. Агар бу ҳаракат ҳалол тарзда бўлса,

бўлсин, дуоғўларим ёнимда, уларнинг бағриданман. Бу улкан ва тенгсиз бойлигимга кўз тегмасин деб авайлайман, Яратгандан уларга узоқ умр, соғлиқ тилайман. Бошқа ҳар қандай моддий бойлик, омад, тан-жоним саломатлиги, оиладаги хотиржамлик ва бало-қазолардан узоқда бўлиш уларнинг дуолари билан эканини англайман.

Улуғлар айтади, инсон жисмининг икки нарса кўтариб туради. Бир руҳий, иккинчиси жисмоний қувват. Тасаввур қилинг, бола ёшлигидан жисмоний машқлар қилиб, енгил тошларни кўтариб, бора-бора катта оғир тошларни кўтарадиган полвонга айланади. Энди ўз вазидан бир неча баробар оғир тошларни кўтарадиган, курашда енгилмайдиган ҳақиқий паҳлавон бўлади. Шундай жисмоний кучга эга бўлган инсон маънавий тарбия кўрмаган бўлса, ҳуққ-одоб, ота-она ҳурмати, раҳм-шафқат, ор-номус, ҳалоллик, фарзандлик бурчи, инсонпарварлик, ваъдага вафо, солиҳлик нималигини билмай ўтиб кетади.

— Уэр, болам, бу матоҳнинг шунақа нозиклигини билмабман.

Шу жойда гап-сўзга нуқта қўйилса ҳам бўларди. Тарбия кўрмаган чиптачи ўзини чамаси ушбу йўналишнинг хўжайинидек ҳис қилди шекилли, деди:

— Фаросатданан берган экан-ку...  
Ана энди айтинг, фаросатдан кимга берган экан? Ҳайдовчимисан, чиптачимисан, ўзинг йўловчилар ўриниди остига ўша буюмин ташлаб қўйибсан-ку! Яна нимага отанг тенги одамга бунақа тарбиясизларча муомала қилсан? Афсуски, автобусдаги одамлардан ҳеч ким бу ҳолга эътироз билдирмади, чурқ этмади. Ўзим аралашимизга тўғри келди:

— Ука, эрталаб нуноштага нима егансан? — Тушунмадим...  
— Оғзингдан қўланса гаплар чиқётганига сўрадим-да!

Шундан кейин у менга бундай тарбиявий соатни уйимда ўғлим билан олиб боришим кераклигини зўр бериб тушунтириб қўйди. Фойдаси йўқлигини билиб, бошқа гапирмадим.

Буюм бозорда. “Отанг — бозор, онанг — бозор”, деганларидек, бир-икки сўм арзонроқ бўлса харна-да, деб қўйлақ олиш мақсадида дўконларга эмас, “Чилонзор буюм бозори”га бордим. Азалдан қора рангли қўйлакни яхши кўраман. Узоқдан турфа ранглар орасида қораси ҳам осиб қўйилган раста олдида тўхтадим.

— Келинг, ака, қанақасидан керак? Ишга кийишгача, тўйгами ё совгагами?  
Қўлимдан тортқилагудек бўлиб ўзи га қаратган сотувчи анча хушмуомала кўринди. Қўйлакни шу йиғитдан харид қиламан, у ҳам савдоси юришганига хурсанд бўлсин, деган ҳаёлда мақсадимни айтдим. Уч-тўрт хилини олиб, ўлчамимни чамалаб, улардан бирининг тахнини бузди.

Инсоннинг камолотга эришиши, ватан ва жамиятга келтирадиган фойда ёки зарари унинг руҳий тарбияси ҳосиласидан келиб чиқади. Руҳий ҳолат, руҳий тарбия кишининг маънавий тарбиясига боғлиқ. Маънавияти-миз асослари, шубҳасиз, бой. Имонсиз, эътиқодсиз бўлса, ўғирликнинг, талончиликнинг, фахшнинг, шафқатсизликнинг гуноҳлигини билмас, ҳалол-ҳаромнинг фарқига бормаса, шарм-ҳаёси бўлмаса, ундай одами комил инсон деб билмаймиз. Миллий қадриятларимиз, урф-одатларимиз, диний бағрикенглигимиз ҳам маънавий бойликдир. Демак, маънавий бойликнинг асоси, пойдевори — одоб, тарбия.

## Муомала маданияти — инсон қалбининг кўзгуси

Кундалик ҳаётимизда, жамоат жойларида биз дуч келадиган чиройли манзаралар кўп. Инчунин, бунинг акси ҳам йўқ эмас.

Транспортда. Шошиб автобусга чиқдим, унчалик тирбанд эмас экан. Уч-тўрт бекат оралигида кимдир манзилда тушди, кимдир чиқди. Бир пайт 19-21 ёш чамасидаги чиптачи отаси тенги одамга дўқ аралаш хезланиб қолди:

— Ўв, амаки, оёгингизни йиғиштириб ўтиринг, бу пулга келган, калишингиздан ҳам киммат туради...  
Йўловчиларнинг деярли ҳаммаси шу томонга бош бурди. Нафақа ёшидаги отахон ўриниди остига ташлаб қўйилган автобуснинг гилдирак қопламаси (автохаваскорлар “калтак” дейди) устига оёғини қўйиб ўтирган экан (бошқача ўтиришнинг илоҳи ҳам йўқ).

— Уэр, болам, бу матоҳнинг шунақа нозиклигини билмабман.

— Фаросатданан берган экан-ку...  
Ана энди айтинг, фаросатдан кимга берган экан? Ҳайдовчимисан, чиптачимисан, ўзинг йўловчилар ўриниди остига ўша буюмин ташлаб қўйибсан-ку! Яна нимага отанг тенги одамга бунақа тарбиясизларча муомала қилсан? Афсуски, автобусдаги одамлардан ҳеч ким бу ҳолга эътироз билдирмади, чурқ этмади. Ўзим аралашимизга тўғри келди:

— Ука, эрталаб нуноштага нима егансан? — Тушунмадим...  
— Оғзингдан қўланса гаплар чиқётганига сўрадим-да!

Шундан кейин у менга бундай тарбиявий соатни уйимда ўғлим билан олиб боришим кераклигини зўр бериб тушунтириб қўйди. Фойдаси йўқлигини билиб, бошқа гапирмадим.

Буюм бозорда. “Отанг — бозор, онанг — бозор”, деганларидек, бир-икки сўм арзонроқ бўлса харна-да, деб қўйлақ олиш мақсадида дўконларга эмас, “Чилонзор буюм бозори”га бордим. Азалдан қора рангли қўйлакни яхши кўраман. Узоқдан турфа ранглар орасида қораси ҳам осиб қўйилган раста олдида тўхтадим.

— Келинг, ака, қанақасидан керак? Ишга кийишгача, тўйгами ё совгагами?  
Қўлимдан тортқилагудек бўлиб ўзи га қаратган сотувчи анча хушмуомала кўринди. Қўйлакни шу йиғитдан харид қиламан, у ҳам савдоси юришганига хурсанд бўлсин, деган ҳаёлда мақсадимни айтдим. Уч-тўрт хилини олиб, ўлчамимни чамалаб, улардан бирининг тахнини бузди.

Аммо сифати маъқул бўлмади. Бошқасининг эса ранги сидирга эмас, чиқиқлари бор экан.

— Олиш ниятингиз борми ўзи, ака? Ё шунчаки бозор айланиб юрибсизми?

Қарасам, муомаласи сал дағаллашди. Кўнглимга ёқса, оламан-да, дедим. Бошқа гап оғзимдан чиқмади.

— Олсангиз олинг, бўлмаса, бошимни қотирманг, ана, бозор катта, қидираверинг

кўнглингизга ёққанини, — дея дағдағасини бошлади.

— Ука, савдода оғирроқ бўлиш керак, харидорга, ўзингдан ёши катта одамларга бунақа муомала қилишинг нотўғри, — дедим.

У ҳам менга тарбиявий соатни қаерда ва ким билан олиб боришим кераклигини яна бир марта эслатишдан эринмади...

\*\*\*

Ота-онанинг вазифаси фарзандини дунёга келтиришдангина иборат эмас. Фарзанд тарбиясида муҳим қоидалардан бири болани ёшлигидан жамият орасида ўзини чиройли тутиш, барчага баробар самимий, камтарин бўлиш каби одобларга ўргатишдир.

Шарқона лутф, шарқона ширин муомала, шарқона тавозе дунё аҳлининг ақлини шошириб, шарқликларга нисбатан хурматини ошириб келган. Бу борада ўзбекона муомаланинг ўрни ҳам бўлақча эди. Бугун эса минг афсуслар билан айтишга мажбуримиз, маънавий қашшоқлик сабаб муомала маданияти масаласида мақтангудек аҳволимиз йўқ.

Юқоридидаги каби чиптачи ё сотувчиларга кунда-кунора дуч келамиз. Кимдир охиригача тортишди, яна биров “шу билан тенг бўлдимми”, деб бахсга нуқта қўвди. Кишининг одамлар билан қиладиган муомаласига қараб унинг қандай инсонлиги ҳақида ҳуло-са чиқарса бўлади. Муомала маданияти — инсон қалбининг кўзгуси, маънавий бойлик аломати. Муомала маданияти орқали ҳар қандай куч билан ҳам эришиб бўлмайдиган инсоний мартабага — атрофдагиларнинг ҳурмат-иззати, меҳрига, ишончига сазовор бўлиш мумкин.

Юртимиз тинч, турмушимиз фаровон экани билан фахрланамиз. Бироқ бу неъматларнинг қадрига етмай, янада кўпроқ даромад топиш мақсадида фарзандлар, яқинларини ҳам унутиб қўяётган муомалаларимиз яхши тушуниб олишлари мизматли, ота-она, фарзандлар билан бирга бориға шуқр, йўғига сабр қилиб, чиройли тарзда умртгзаронлик қилиш, фарзандларини ўз юрти, халқи тараққиёти хизматига авлод қилиб тарбиялаш миллатимиз маънавий хазинасини янада бойитишдир, янада.

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти” ДМ  
МУАССИС:  
Ўзбекистон Республикаси  
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:  
Салим ДОНИЁРОВ

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.  
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.  
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди.  
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Колограк” МЧЖ масъул.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридagi Аxbорот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.  
Нашр индекси — 236. Буюртма — 4103  
41157 нусхада босилди.  
Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2.  
Баҳоси келишилган нархда.

Навбатчи муҳаррир: Баҳор Хидирова  
Мусахҳис: Малоҳат Мингбоева  
Дизайнер: Хуршид Абдуллоев

Манзилими:  
100060, Тошкент шаҳри,  
Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй